*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 13 июнь
ПАЙШАНБА
№ 112 (5.154).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси*

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессиясида.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва Р. НУРИТДИНОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

12 июнь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси иш бошлади.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров очди.

Сессия қатнашчилари депутатлар А. А. Алимов (381-Димитров сайлов округи), Ҳ. Сержонов (489-Шўрахон сайлов округи), А. Мўминов (145-Комсомолобод сайлов округи) хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида мандат комиссиясининг раиси Ш. М. Мирзиёев маъруза қилди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига мувофиқ Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Коммунистик районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси А. Г. Машахановнинг (100-Бордонкўл сайлов округи), Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаевнинг (401-Темир йўл сайлов округи), халқ депутатлари Андижон вилоят Советининг раиси, Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби К. Ҳ. Ҳолмирзаевнинг (145-Комсомолобод сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси республика комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетовнинг (489-Шўрахон сайлов округи), Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси Ш. М. Йўлдошевнинг (381-Димитров сайлов округи) ваколатларини тўғри деб топди.

Олий Кенгаш сессиянинг кун тартибини тасдиқлади. Депутатлар қуйидаги масалаларни муҳокама қилишни белгиладилар:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибининг лойиҳаси тўғрисида.

«Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисида»ги шартноманинг лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркманистон Совет Социалистик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

Ўзбекистон ССР ҳукумати табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар ҳақида.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССР давлат солиқ идоралари тўғрисида»-ги Низом лойиҳаси ҳақида.

«Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Ўзбекистон ССР кодексига;

Ўзбекистон ССР жиноят-процессуал кодексига;

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига;

Ўзбекистон ССР фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиғи олиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунларнинг лойиҳаси хусусида.

«Ўзбекистон ССРда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

«ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши мандат комиссияси ва комитетлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Депутатлар айрим бошқа масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У ўз нутқида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига тўхталди. Ҳозир, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини, айниқса унинг камбағал табақаларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бериш зарур. Ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, юксак унумли меҳнат учун қулай шарт-шароит яратиш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча резервларини ишга солиш, ҳамма ерда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш керак.

Ҳозирги шароитда республика иттифоқдан ташқарида ривожлана олмайди, деб таъкидлади Президент. Ўзбекистон — тенг ҳуқуқли давлатлар иттифоқи тарафдоридир, бу давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги мустаҳкам бўлиши керак. И. А. Каримов ўз нутқида республикада рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш масалаларига катта эътибор берди, иқтисодиётни ривожлантиришнинг белгиланган дастурини амалга ошириш учун бутун халқнинг куч-ғайратларини бирлаштириш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

М. И. Иброҳимовнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раиси бўлиб ишлаган Ш. М. Йўлдошев яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайланди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари вазири бўлиб ишлаган А. Н. Муталовни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари этиб тасдиқлади.

Т. А. Алимов Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қурилиш, меъморчилик, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комитети раиси бўлиб ишлаган А. Ш. Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси этиб тасдиқланди.

Олий Кенгаш А. С. Моргасовнинг бошқа ишга ўтиши муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризасини қондирди. Республика Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Г. А. Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР давлат ҳакамлиги идораларини Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Р. А. Хачатуров унинг раиси этиб тасдиқланди.

Олий Кенгаш У. К. Мингбоевни Тошкент шаҳар суди раиси вазифасидан озод қилиб, уни Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси этиб сайлади.

Депутатлар рўйхатдан ўтиш ва овоз бериш чоғида ахборот ва овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланишди.

Сессия ўз ишини давом эттиради.

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси этиб сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари** **Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Муҳитдинович ЙЎЛДОШЕВ



**Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев** 1943 йилда туғилган, ўзбек, 1973 йилдан КПСС аъзоси. Москва энергетика институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Намангандаги «Пятилетка» ип йигириш-тўқув фабрикасида чилангир-таъмирловчиликдан бошлади. 1969 йилдан 1974 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника илмий-тадқиқот институтида катта инженер, «Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводида уста, цех бошлиғи, Намангандаги электромеханика устахоналарининг бош муҳандиси, «Намангансвет» ишлаб чиқариш корхонасида директор бўлиб ишлади.

1974 йилдан бошлаб партия ва совет ишларида — Ўзбекистон Компартияси Наманган вилоят қўмитасининг инструктори, бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири, халқ депутатлари Совет район кенгаши ижроия қўмитасининг раиси, халқ депутатлари Наманган вилоят Совети ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар қўмитасининг биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1985—1987 йилларда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимида инструктор, 1987 йилдан бошлаб Сирдарё вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби, 1988 йилдан бошлаб Фарғона вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1990 йилдан бошлаб эса айни бир вақтда халқ депутатлари Фарғона вилоят Советининг раиси лавозимида ҳам ишлади. 1990 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Ўртоқ Ш. М. Йўлдошев СССР халқ депутати ва КПСС Марказий назорат комиссияси Раёсатининг аъзосидир.

## УЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎРТОҚ М. И. ИБРОҲИМОВ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўртоқ М. И. Иброҳимовнинг соғлиғи ёмонлиги туфайли Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари** **Б. БУГРОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

# РАЙОН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИГА ТАЯНИБ

Куни кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шаҳар, район партия комитетлари биринчи котиблари билан кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошқарди.

Кенгашда таъкидландики, нисбатан барқарорликка қарамай, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлигича қолмоқда. Таркиб топган мувозанатни бузишга уринишлар тўхтамаяпти. Нарх оширилиши муносабати билан аҳолининг ўз аҳволидан норозилиги кескин кучайганлигидан айрим сиёсийлашган гуруҳлар эҳтиросларни авж олдириш, митинглар ўтказиш, фуқаролар бўйсунмаслик оммавий тадбирларини ўтказиш учун фойдаланмоқда.

Сўнгги вақтда жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи анча чигаллашди, иттифоқ ва жумҳуриятларнинг 1991 йил учун тузилган иқтисодий битимни, айниқса унинг бюджетни шакллантириш қисмини сурункасига бажармаётганлиги сезиларли зарар етказди. Нарх оширилиши муносабати билан белгиланган энг муҳим ижтимоий дастурлар, компенсация тўлаш чоралари барбод бўлиш хавфи остида қолди. Ташқи омиллар билан бир қаторда май ойининг ўрталарида жумҳуриятнинг кўпгина минтақаларида об-ҳавонинг ноқулай келиши вазиятни жиддий равишда кескинлаштириб юборди.

Ана шундай шароитда кўпгина партия комитетлари ғайрат ва қатъият билан ишламоқда, бу эса уларга вазиятни назорат қилиб туриш, меҳнат жамоаларининг барқарор ишлашига, сезиларли ижобий натижаларга эришишга имкон бермоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш ана шундай эмас. Мураккаб вазиятда баъзи бировлар ўзини йўқотиб қўйди. Баъзилар ҳокимият ваколатларини Советларга ва уларнинг ижро этувчи органларига топшириш баҳонаси билан ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсир ўтказишдан, ўз шаҳарлари ва районларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишдан умуман ўзларини четга олдилар. Бир қанча партия комитетларида кадрлар билан аниқ шуғулланмай қўйдилар, уларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юбордилар. Иқтисодиётдаги маълум ўпиришларнинг, бир қанча минтақаларда беқарорлаштирувчи омилларнинг таъсири кучайганининг сабаби ҳам ана шунда.

Ҳозирги пайтда Компартиянинг таянч бўғини — шаҳар ва район комитетлари аниқ, ташаббускорлик ва ҳужумкорлик билан ҳаракат қилиши айниқса зарур. Вазият улардан барча соҳаларда сиёсий усуллар билан юксак интизом ва уюшқоқликни таъминлашни, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари изчиллик билан ҳал этилишига эришишни тақозо қилмоқда. Улар меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида ўз таъсирини қатъият билан мустаҳкамлаши лозим. Бунда шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи раҳбарлари намуна кўрсатишлари лозим.

Табиий офат оқибатларини тугатишга алоҳида эътибор бериш керак, деб таъкидланди кенгашда. Етказилган зарарнинг ўрнини тўлдириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик, жабрланган аҳолига ҳақиқий ёрдам бериш учун сира кечиктирмай ҳамма ишни қилиш зарур.

Ҳар бир район, шаҳар партия комитети ҳозир ўзининг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган тангликка қарши ва барқарорлаштириш чораларининг аниқ дастурига эга бўлиши керак. Дастур ишларнинг аҳволини батафсил таҳлил этишга асосланган бўлиши ҳамда мустаҳкам хўжалик алоқаларини йўлга қўйишни, корхоналар ва ташкилотлар молиявий аҳволини мустаҳкамлашни кўзда тутиши даркор. Деҳқончилик-саноат комплекси хўжаликларини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, капитал қурилишдаги аҳволни барқарорлаштириш масалалари алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, янги иш жойларини барпо этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари билан муфассал шуғулланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Умуман иқтисодиётда ишнинг аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар партия комитетлари одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Биринчи навбатда ижтимоий жиҳат-

(Давоми 2-бетда).

# ПАРВАРИШДА ҲИКМАТ КЎП

**Май ойи деҳқонларимиз учун машаққатли келди. Кучли ёмғир, дўл, сел кўп экин майдонларига шикаст етказди. Қатор пайкалларда қайтадан уруғ қадалди. Меҳнат аҳли табиатнинг бундай инжиқлигига жавобан уюшқоқликни ошириб, маҳорат кўрсатди. Хўш, бугунги кунда жойларда аҳвол қандай!**

Май ойида ва июннинг бошида бўлиб турган ёғингарчиликлар, паст ҳарорат 250 минг гектар майдонга қайтадан чигит қадашга ва ярим миллион гектар ердаги ниҳолларнинг ўсиш жараёнларини секинлаштиришга олиб келди. Бу кўчатлар ривожланишда баъзи минтақаларда 10—12 кун орқада қолди. Ҳозир жами пахтазорларнинг 30 фоизида ғўза ёппасига шоналамоқда, 40 фоизида 5—6 тадан барг чиқарган, қарийб 30 фоизида 3—4 тадан япроқ бор. Ангор, Жарқўрғон, Термиз районларининг айрим хўжаликлари ғўзаларида эса дастлабки гуллар пайдо бўлди.

Зарбдор, Жиззах, Оқдарё, Муборак, Чиноз, Янгийўл, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Боғдод ва бошқа районларда ўсимлик ривожи орқада қолаётганлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Бу ерларда майдонлар бегона ўтдан тозаланмаган, яганалаш суст олиб борилмоқда.

Ниҳолларнинг бугунги аҳволи табақалаштириб парваришлашни талаб этади. Наманган, Бухоро, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг илғор хўжаликларида қолоқликни тезроқ бартараф қилиш мақсадида қатор ораларига ишлов бериш жадаллаштирилмоқда. Уларда кўчатлар ўртача икки марта озиқлантирилиб, 3,5 марта культивациядан чиқарилди. Айни пайтда Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг қатор районларида ушбу агротехника қоидаларига етарлича аҳамият берилмаётир. Натижада ҳозирга қадар ҳатто биринчи озиқлантириш тугалланмаган. Ҳолбуки, жумҳуриятимизда бу тадбир ўрта ҳисобда бир ярим марта ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг ўрни ҳаммага маълум. Улар тўғри қўлланилган тақдирда нафақат экин тупининг қуйи қисмида ҳосил миқдори кўпаяди, балки тупроқ унумдорлиги ва унинг таркибидаги органик моддалар кўпайиб илдиз озиқланиши ортади.

Ғўза — минерал озуқаларга талабчан экинлардан. Унга ўғитларни илмий асосланган ҳолда берилганда кутилган самарага эришиш мумкин. Афсуски, республиканинг бир қанча хўжаликларида минерал ўғитлардан нотўғри фойдаланилаётгани туфайли самарадорлик пасаймоқда. Шундай камчиликлардан бири ўғитларни қанча миқдорда ва қачон ишлатиш тўғрисидаги илмий тавсиялар ҳамда илғорларнинг тажрибасига амал қилмасликдир. Юқори ҳосил олиш учун ҳамма шароит ва имконият бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришилади. У ёки бу омил ҳатто жуда оз етишмай қолганда ҳам ҳосилдорлик камаяди.

Республикамизнинг пахтачилик минтақаларидаги майдонларнинг қарийб учдан икки қисмида тупроқда атиги 0,7—1 фоиз гумус бор. Бошқача айтганда, бу жойларда ернинг табиий унумдорлиги паст. Бундай шароитда гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун далага 240 килограммдан азот, 150 килограммдан фосфор ва 100 килограммдан калий ўғитлари бериш тавсия этилади. Азотни тўрт маҳал: экиш олдидан ёки қадаш билан бир вақтда йиллик меъёрнинг 20 фоизи, кўчат иккитўртта барг чиқариш жараёнида — 20 фоиз, шоналаш ва гуллаш даврларида 30 фоиздан солинади. Фосфор ва калий ўғитларининг 50—60 фоизи шудгорлаш олдидан, агар у ёки бу сабаб билан бунинг иложи бўлмай қолса экиш арафасида, фосфорнинг қолган қисми азот билан биргаликда ниҳол 2—4 та барг чиқараётганда ва гуллаётганда, калийнинг қолгани эса азот билан бирга шоналаш пайтида берилади.

Ўғитлардан омилкорлик билан фойдаланаётган Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди», «Коммунист», «Пахтакор», Ленин районидаги Карл Маркс номли, «Социализм» жамоа хўжаликларида ҳар йили гектаридан 37—42 центнердан оқ олтин саранжомланмоқда. Уларда азот ва калийнинг нисбати 1:0,4 бўлиб, бу ҳосил кўпайишига ва тола сифатига яхши таъсир кўрсатмоқда. Айни вақтда кўпчилик хўжаликларда калий ўғитига етарли эътибор берилмаётир. Гектарига 230—240 килограммдан азот ишлатилган ҳолда бор-йўғи 50—60 килограмм калий солинмоқда. Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари бунга ҳар хил важни кўрсатишмоқда. Бироқ тажрибага кўра, агар гектарига 100 килограмм хлорли калий берилган тақдирда тупроқ таркибида у меъёридан 0,001—0,002 фоиз ортади. Бу дастлабки суғориш пайтида ювилиб кетади. Демак, баъзиларнинг шўр ерда калийдан кўп фойдаланиб бўлмайди дейишлари нотўғри.

Хуллас, озуқа моддалардан бирон-бир тури берилмай қолганда бу ҳосилдорликка ва хом ашё сифатига дарҳол таъсир этади. Шунинг учун хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари пайкалларнинг тупроқ ҳолатидан келиб чиқиб минерал ўғитларни меъёрида ишлатишни тавсия этишлари лозим. Бунда ўғитларнинг ўзаро нисбатларига эътибор бериш муҳимдир. Ана шунда ғўзалар парвариши кўнгилдагидек ўтказилишига, сифатли ҳосил етиштиришга эришилади.

